

Бакалавриатура йўналишлари

60722600 – “Геодезия ва геоинформатика”	60722600 “Геодезия, картография ва кадастр (сув хўжалигида) – бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятининг объектлари: Ер ва сайёраларининг юзалари, ер ва сайёралар қаҳридаги сунхий ва табиий объектлар, жумладан улардан фойдаланиш ва ҳолатини назорат қилиш ва бошқариш ҳамда кўчмас мулк объектлари, шу жумладан шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктлари чегарасидаги ер участкалари, фойдаланишини назорат қилишда геодезия, картография ва кадастр ишларини юритиш; геоахборот тизимини юритишда геодезия, картография ва кадастр маълумотларидан фойдаланиш, лойиҳа техник ҳужжатлари улардан фойдаланиш ва техникавий хизмат кўрсатиш кабиларни ўз ичига олади.
60810600 – “Ер тузиш ва ер кадастри”	60810600– “Ер тузиш ва ер кадастри”– бакалавриат таълим йўналиши бакалаврининг касб фаолияти объектларига:халқ хўжалигининг ҳар хил тармоқларида фойдаланиладиган ер ресурслари, уларнинг ер фонди тоифалари бўйича тақсимланиши, ердан фойдаланиш ва ер эгаликлари, ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати, миқдори ва сифат тавсифи, улардан фойдаланиш тва ҳолатини назорат қилиш ва бошқариш ҳамда кўчмас мулк объектлари, шу жумладан шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктлари чегарасидаги ер участкалари, уларнинг ҳуқуқий статуси, давлат рўйхатига олиниши, баҳоланиши, фойдаланишини назорат қилиш; кадастр ахборот тизимлари; лойиҳа техник ҳужжатлари.
60722800-Кадастр (фаолият турлари бўйича)	60722800-Кадастр (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот Таълим йўналишининг тавсифи: Бу таълим йўналишида бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади. Шунингдек, электрон дастур, рақамли хариталар ва инновацион технологиялар асосида кадастр ахборотларларини йиғиш, тизимлаш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш, уларни ҳаққонийлигини назорат қилиш ва истемолчиларга етказиш жараёнларида фаолият олиб боради
60722700-Ерни масофавий зондлашда инновацион технологиялар	60722700-Ерни масофавий зондлашда инновацион технологиялар - фан ва техника соҳасидаги йўналиш бўлиб, ер ва сайёраларнинг шакли ва ўлчамларини аниқлашда, Ерни масофавий зондлашда борасида махсус ўлчовлар олиб бориш асосида Ер юзаси ва қаҳридаги бойликларни аниқлашда, қурилиш объектларини қуриш ва ишлатишда, мамлакатимизда карта ва планларни тузишда дистанцион зондлаш усуларини қўллаш ва картографик ва геоахборот тизимларни барпо этишда масофавий дистанцион зондлаш, ерни модели сифатида илмий ва амалий мақсадларда, инсон фаолиятининг услуб ва усуллари билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.